RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil Mart

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan ● E-mail:urmvd@inbox.uz ● №13(3854)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи – Наврўзи олам қутлуғ қадами билан ўлкамизга кириб келмоқда.

Мана шу улуғ айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли юртдошлар!

Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чароқлаб, ерy кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида – Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача – халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни катта хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Саховатли заминимизда яшайдиган барча-барча инсонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасдиғини топмоқда.

Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб хислати шундаки, баҳор келиши, гул-чечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, соғлик-омонлик, бахт ва омад тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз куни деб тан олгани албатта бежиз эмас ва бу барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тараққиёти учун катта кўмак бераётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакилларига, узоқ-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан қутлашга рухсат этгайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Кўкламнинг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқонларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ қадаётган шу қутлуғ паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган муҳтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чеҳрасида хуш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин!

Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*

*Ф А Р М О Н И*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА НОГИРОНЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ҳамда фидойилигига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:

1.Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги" юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 200000 (икки юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

3. "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги" юбилей медали ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий мудофаа ишлари бўлинмаларининг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказсин.

4. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 24 март*

# ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж***



**Қиш уйқусидан кўз очган она табиат янги кунга юз тутди. Димоққа дилни орзиқтирадиган ифор – баҳор нафаси урилади. Кўклам шабадаси уйғотган сабзалар нафис гиламдек кўзни қувнатади. Бодроқдек гуллаган ўрик шохларида, қоқигулларнинг хушбичим ғунчаларида кўклам сурати намоён. Насимлар оғушида жажжи болакайлар зумрад майсалар орасидан чучмомаларни теради. Мусаффо осмон бағрида чарх уриб учаётган қалдирғочлар қўшиғи юракларда ажиб ҳислар уйғотади.**



Борлиқдаги уйғониш, яшариш ва янгиланиш юртимизга боқий байрам, меҳру оқибат, қут-барака рамзи – Наврўзи олам кириб келганидан мужда беради.

Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган гўзал қадриятларимиздан...

23 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 11.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Бундай файзли манзаралар кўнгилларга ҳузур бахш этади.

Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимизнинг кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш ураётир.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, Янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, чаппар уриб гуллаган боғлар намоён бўлади.

...Саҳнага жажжи болакайлар кириб келади, майдон уларнинг шўх-шодон кулгуларига тўлади. Фарзандларимиз ижросидаги кўкламни, бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар шодиёна аҳлини завқлантириб юборади...

Наврўз – баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик фасли. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга беқиёс шодлик, ғурур ва ифтихор бағишлади.

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини кўзлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Айни Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади. Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк лаҳзаларидан маълум бўлганидек, биз буюк келажагимизни аввалambор ҳар жиҳатдан тўкис, комил ва баркамол авлод тимсолида кўрамиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимизни баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, иймонли-эътиқодли, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб камолга етишига доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ўтган 2009 йилда соғлом зурриётни дунёга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўғил-қизларимизнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

### Ватанга хизмат – олий шараф

# «ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН!»

Ўлкамизга янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўзи олам кириб келган тароватли ва шукуҳли дамларда республика ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ёш аскарларнинг қасамёд қилишларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда билим юрти шахсий таркиби, фахрийлари, Зангиота тумани ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари вакиллари ва ёш аскарларнинг ота-оналари иштирок этди. Тантанали маросимни ТОҲТБЮ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Ё. Сайдуллаев очди ва барчани қутлуғ айём олам билан муборакбод этди. Шундан сўнг жанговар байроқ тантанали равишда майдонга олиб кирилиб, ҳарбий оркестр томонидан давлат мадҳияси ижро этилди. Бирин-кетин ёш аскарлар Ватани, ота-оналари олдида ўз бурчларини шараф билан бажаришга, зиммаларига юклатилган вазифаларни чуқур англаган ҳолда халққа, Президентга садоқат билан хизмат қилишга онт ичдилар. Тадбирда сўзга чиққан билим маскани ходими Абдушоир Салимов муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг хизмат ўташлари учун Қуролли Кучларимизда замон талаблари даражасида шарт-шароитлар яратилгани, уларни яхши тайёргарликдан ўтиб, амалий кўникмаларни эгаллаб, қўйилган вазифаларни аъло даражада бажаришга қодир мард ва жасур Ватан ҳимоячилари бўлишга чақирди.

Ота-оналар номидан сўзга чиққан Шоҳиста Худойқулова ўз дил изҳорларини шундай ифодалади:

– Бугун сиз азиз аскар йигитлар ҳаётида ёрқин из қолдирадиган, қутлуғ кун ҳисобланади. Сизлар Ватан хизматига отланиб, халқимизга, Президентимизга содиқлигингиз тўғрисида қасамёд қилдингиз.

Биз ота-оналар фарзандларимизнинг шу даражага етганидан бениҳоя мамнунмиз. Уларнинг келгусида жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол инсон бўлиб етишишларида муваффақиятлар тилайман.

Ёш аскарлар номидан сўз олган Рустам Равшанов шундай деди:

– Биз қасамёдда битилган муқаддас сўзларни тилга олиб, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш учун виждонан хизмат қилишга, лозим бўлса, Ватан учун жонимизни ҳам фидо қилишга,



шунингдек, мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари, ҳарбий низомлари талабларини сўзсиз бажаришга астойдил аҳд қилдик. Бугунги кун шубҳасиз, ҳаётимиздаги энг унутилмас кун бўлиб қолади.

Тадбирнинг расмий қисми тугагач, фарзандини табриклашга ошиқаётган ота-оналардан бирини суҳбатга тортдик:

– Бугунги тантанали тадбирда иштирок этиб, фарзандимнинг қадди-қоматига ярашиб турган ҳарбий либосда, қасамёд қилганига гувоҳ бўлиб, қалбимни фахр-ифтихор туйғулари эгаллади. Ўғлим Жонибек келгусида ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига ўқишга киришга астойдил бел боғлаган. Унинг келгуси ишларида омад ёр бўлсин! – дейди нуроталик аскар Жонибекнинг отаси Ойдин Нурбоев.

Таниқли хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга хуш кайфият бағишлади. Шунингдек, маросим иштирокчиларига байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди.



**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**

**Суратларда:** *қасамёд қилиш пайти.*

**Республика ИИВ ШТБИХга бевосита бўйсунувчи Фарғона сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида таълим олаётган курсантлар ўз касбига, Ватанга содиқ ходим бўлишлари учун қасамёд қилдилар.**



Тадбирни марказ бошлиғи, полковник У. Ғаниев очиб, Ватанимизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, намунали жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ва ғаразли уринишлардан ҳимоялаш ҳамда уларни бартараф этишда ички ишлар ходимларининг ўрни жуда катта эканлиги ҳақида гапириб ўтди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларининг малакаси, жанговар тайёргарлигини оширишга катта эътибор берилаётганини таъкидлаб, курсантларни қасамёд қабул қилишлари билан табриклаб, уларга келгуси хизматларига зафарлар тилади.

Шундан сўнг курсантлар қасамёд қилиб, саф кўригидан тантанали равишда шаҳдам одимлар билан ўтдилар.

Ота-оналар номидан Муҳайё Йўлдошева сўзга чиқиб, марказда курсантларни касб маҳоратларини оширишлари, хизматга кўникма ҳосил қилишлари ва билим олишларига барча шарт-шароитлар яратиб берилгани учун республика ИИВ раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдириб, йигитларни қасамёд қилганлари билан табриклади.

**И. МАДРАҲИМОВ,**
**майор.**
**Ж. МАМАЮСУПОВ,**
**сафдор.**

**Суратда:** *тадбирдан лавҳа.*

### Халқаро алоқалар

## МАҚСАД – МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ



***2007 йил 4 июлда меҳнат фаолияти, Россия фуқаролари бўлган Ўзбекистондаги меҳнат мигрантларининг ва Ўзбекистон фуқаролари бўлган Россия Федерациясидаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида битим имзоланган эди. Яқинда мамлакатимиз пойтахтида ана шу битимни бажариш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш бўйича Россия – Ўзбекистон қўшма меҳнат гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Ишчи гуруҳнинг россиялик вакилларига ушбу мамлакат Федераль миграция хизмати директорининг ўринбосари Е. Егорова бошчилик қилди. Ўзбекистон томонидан эса республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ш. Саидов, Иқтисодиёт ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг вакиллари, шунингдек, республика ИИВ ХЧК ва ФРБнинг етакчи мутахассислари, жумладан, мазкур бошқарма бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Тошметов, бўлим бошлиғи, подполковник Қ. Зокиров ва бошқалар иштирок этишди.

Мажлис чоғида юқорида зикр этилган Битимни бажариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича Россия – Ўзбекистон қўшма ишчи гуруҳининг 2010–2012 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси тасдиқланди, шунингдек Россия – Ўзбекистон қўшма ишчи гуруҳи тўғрисидаги низом маъқулланди.

Бундан ташқари, ўзаро ахборот алмашиш, мамлакатимизда ҳамда Россияда ваколатли идораларнинг меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалалар бўйича ваколатхоналарини очиш ҳақида муҳим қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, меҳнат мигрантларининг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш, миграция органларида уларни рўйхатга олиб, меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун рухсат бериш тартиби каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Мажлис чоғида эришилган келишувлар меҳнат миграциясининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлида олға қараб қўйилган яна бир қадам бўлишига, меҳнат мигрантларининг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда:** *тадбирдан лавҳа.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

### 2010 йил – Баркамол авлод йили

## МЕҲР-МУРУВВАТ НАМУНАСИ

**Юртимизда кўклам нафаси кезиб, Наврўзи олам тантаналари кенг нишонланаётган кунларда ногиронлар ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қувончларига шерик бўлиш уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.**



Тошкент вилояти ИИБ томонидан мана бир неча йилдирки, меҳрибонлик уйларида меҳр-мурувват тадбирларини ўтказиб бориш хайрли анъанага айланган. Ана шундай тадбирлардан бири Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйида ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Ш. Рўзматов тарбияланувчилар билан яқиндан танишиш, уларнинг ўз ҳаёт йўлларини топиб кетишларига оз бўлса-да ҳисса қўшиш, маънавий далда бўлиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш анъанаси давом этаётганини таъкидлади.

Шунингдек, вилоят ИИВ фахрийлар ва хотин-қизлар кенгаши аъзолари ҳам сўз олиб, болаларни яхши ўқишга, намунали хулқ эгаси бўлишга, чуқур билим олиб, билдирилган ишончни оқлашга чақирди.

Тадбир қатнашчилари болаларнинг ўз қўллари билан ясаган ижодий ишларини кўриб, уларнинг зеҳни, маҳоратларига қойил қолишди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам совғалари топширилди. Туҳфаларни мамнуният билан қабул қилган болалар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга хуш кайфият бағишлади.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**

**Суратда:** *полковник Ш. Рўзматов болаларга совғалар топширмоқда.*

**Муаллиф олган сурат.**

*Тошкент вилояти.*

### Давра суҳбати

## ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАР ТАРҒИБОТИ

**«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ёшларнинг экологик билимларини ошириш ва уларни атроф-муҳит муҳофазаси жараёнларига жалб этиш» мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

Консерватория ҳузуридаги Иқтидорли болалар академик лицейи ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган учрашувда таниқли эколог олимларнинг мавзуга доир маърузалари тингланди. Лицей ўқувчилари томонидан намойиш этилган табиатга алоқадор саҳна чиқишлари ва кўргазмалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди Тошкент шаҳар филиали раҳбари Комилжон Жўраев лицей ўқитувчи ва ўқувчиларининг фойдаланишлари учун «ЭКОСАН»нинг хайрия ёрдами – экологияга оид адабиётлар, харита ва плакатлар тўпламини билим маскани раҳбариятига топширди.

**Фурқат АБДИЕВ.**

### Миннатдорлик

## «МАҲОРАТИГА ҚОЙИЛ ҚОЛДИК»

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов номига Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Тартиб» узум ва боғдорчилик ўртоқлик ширкати раиси П. Асрияндан миннатдорлик мактуби келди.**

Муаллиф ўз хатида ширкатга қарашли дала-ҳовлида электр ва газ пайвандлаш ускуналари ўғирлаб кетилгани ва бу ҳақда Паркент тумани ИИБга хабар берилганида туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари майор А. Ашуров, тезкор ходимлар майор К. Якубов, лейтенант Х. Салимбоев, ҲООБ профилактика инспектори, катта лейтенант С. Миртулаев билим ва тажрибаларини ишга солиб, жиноятни қисқа муддатда очишганини маълум қилган. Жиноят фош этилишида, айниқса, туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бўлинма бошлиғи, майор Рустам Солибоевнинг хизмати катта бўлганини алоҳида қайд этган.

Мактуб муаллифи ички ишлар ходимларининг маҳоратига қойил қолиб, уларга самимий миннатдорлик билдирган, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида шарафли ҳамда масъулиятли вазифани адо этиб келаётган соҳа фидойиларига мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаган.

### Анжуман

## ИБРАТ МАКТАБИ

Эртанги кунимизнинг ворислари, юртимиз келажаги бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, етук кадр бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш бугунги кунда асосий вазифалардан биридир. Бу борадаги ишларда кўпни кўрган, умрини эл-юрт тинчлиги, осойишталигини сақлашга бағишлаган фахрийларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга молик. Уларнинг ҳаёт йўллари, панд-насиҳатлари ёш кадрлар, бўлажак осойишталик посбонлари учун ибрат мактабидир. Ёшларнинг Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат, ҳалоллик, фидойилик туйғусини шакллантириш, ўз хизмат вазифасига бўлган меҳрини, иштиёқини янада ошириш мақсадида ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғ. Раҳимов қатнашчиларга ўз ҳаёт йўли, хизмат йиллари хусусида сўзлаб берди. Шунингдек, Ватан, унга хизмат қилиш нақадар шарафли бурч эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг ёнғин хавфсизлиги хизмати фахрийси, истеъфодаги генерал-майор Б. Қосимов сўз олиб, бу касбнинг ўзига хос жиҳатлари, ғоят савобли вазифа эканлигини тушунтириб берди. Мактаб мураббийлар кенгаши раиси, полковник Н. Мансурходжаев курсантларни ҳамда ёш ходимларнинг хизматга бўлган кўникмаларини ошириш, улар томонидан хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди. Тўртинчи босқич курсанти О. Қўлдошев сафдошлари номидан сўзга чиқиб давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, бундай юксак ишончни муносиб оқлашга сўз берди.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**

### Эзгулик

## ХАЛОСКОР ХОДИМ НОМИДАГИ МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА

***Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган 24-Меҳрибонлик уйида уч ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар тарбияланишади. Бутун бир оила аъзоларидек аҳил-иноқ яшаётган тарбияланувчиларнинг хоналари ёруғ, шинам бўлиб, болаларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган расмлари ва буюмлари билан безатилган.***

Мазкур меҳрибонлик уйига жасур ўт ўчирувчи Виктор Челноковнинг номи берилганига қирқ йилдан ошди...

1966 йилнинг 8 марти. Шаҳар узра енгил шаббода эсади. Ҳамма хотин-қизлар байрамига тайёргарлик кўрмоқда. Ёнғин хизмати инспектори, катта лейтенант Виктор Челноков хизмат вазифасини ўтаб, хуш кайфиятда уйига қайтаётганди. Меҳрибонлик уйи ёнидан ўтиб кетаркан деразадан чиқаётган қуюқ тутунга кўзи тушди. У тутун бино ичидан келаётгани, чиқиш йўллари олов билан тўсилганини дарров пайқади. Ёнаётган бино ёнида ёрдам сўраб бақир-чақир қилаётган тарбиячилар эса афтидан бу кутилмаган ҳолдан тамоман ўзларини йўқотиб қўйишганди. Бино ичида қолган болаларга зудлик билан ёрдам бериш керак эди. Виктор ёрдам келишини кутмай уларни қутқаришга киришди. Педагог-тарбиячиларга керакли кўрсатмаларни бериб, ўзи бино ичига отилди. Ёнғин хавфсизлиги экипажи етиб келгунча у болаларни олов домидан қутқара бошлади. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли 147 нафар бола ўт ичидан олиб чиқилди. Бироқ тутундан заҳарланган халоскорнинг ўзини қутқаришнинг иложи бўлмади, у ўз хизмат вазифасини бажараётиб ҳалок бўлди.

Мана шунча йиллар ўтса ҳамки, республика ИИВ ЁХББ, Тошкент шаҳар ИИББ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари катта лейтенант В. Челноковнинг қаҳрамонлигини унутишмайди. Унинг хотираси ёд этилиб, мазкур Меҳрибонлик уйида Наврўз айёмини ўтказиш анъанага айланган. Соҳа ходимлари ва тарбияланувчилар ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари ўрнатилган.

– Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эътиборларини тарбияланувчиларимиз жуда қадрлашади, – дейди Меҳрибонлик уйи директори Доно Ворисова. – Улар ҳам бошқа тенгдошлари каби меҳр, ота-она ғамхўрлигига муҳтож. Ушбу даргоҳда 40 йилдан ортиқ ишлаб ўз меҳрларини болаларга бераётган жонкуяр аёлларимиз жуда кўп. Мавлуда Абдураҳмонова, Насиба Ҳасанова, Нилуфар Шокирова, Муқаддам Иноятова кабилар эса кўплаб қалби ўксик болаларнинг ҳақиқий онасига айланган. Муассасамизда болалар ўн тўрт ёшга етгунларига қадар тарбияланишади, сўнг улар бошқа ёққа ўтказилади. Мустақил ҳаётга қадам қўйгач ҳам улар тез-тез бу даргоҳга келиб туришади, қўнғироқ қилишади, маслаҳатлар сўрашади.

Меҳрибонлик уйига мана ўн йилдан ошибдики, республика ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғофур Раҳимов тез-тез ташриф буюрадилар. Болаларимиз ҳурмат билан уларни «генерал бобо» дейишади. Уларнинг боғида биринчи етилган мева-чевалар мана шу болаларга аталади. Болалар эса ўз миннатдорликларини шеър, қўшиқлар орқали ифода этишиб, ўзлари чизган расмларни тақдим қилишади.

Ҳа, дунёда меҳру мурувват бор экан, ҳаётимиз янада гўзаллашиб бораверади.

**М. РАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ инспектори,**
**катта лейтенант.**

Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрибди. Бу байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун турли тадбирлар уюштирилмоқда.

– Баҳор айёмини тинч ва осойишта ўтказишга қаратилган тадбирлардан ташқари, эътиборимизни ота-боболаримиздан азалий удум бўлиб келаётган саховатли ишларга ҳам қаратганмиз, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Қуралбай Елмуратов. – Биринчи навбатда, қаровчиси йўқ, ёлғиз яшовчи кекса фахрийларимизга, хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига моддий ёрдам берилди. Шунингдек, ҳукуматимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш борасида режалаштирган ишларимиз ҳам байрам шукуҳи билан уйғунлашиб кетди. Ташкил этилган икки босқичдан иборат ўқув жараёнида иштирок этган 30 нафар профилактика катта инспекторлари ўзларининг касбий маҳорати ва шахсий ташаббусларини ҳам намойиш қилиб, Хўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига моддий ёрдам кўрсатишди.

## САХОВАТГА ОШНО БАЙРАМ

Дарҳақиқат, байрам муносабати билан бундай хайрли тадбирлар янада жонланиб кетди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник У. Нарзуллаев, ТИБ бўлим бошлиғи, майор Ж. Каримов ва бошқалар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, полковник О. Турдақов ҳамроҳлигида Нукус шаҳридаги «Юлдузча» болалар боғчасига ташриф буюриб, болажонларга совғалар топширишди. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Тахиатош шаҳридаги Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари ҳам бундай хайру саховатдан баҳраманд бўлишди. Мазкур даргоҳга гилам, кир ювиш машинаси, рўзғор буюмлари ва 40 дона болалар ёстиғини топшириб, бу ерда саломатликларини тиклаётган кичкинтойлар билан яқиндан танишдилар. Ҳозирда Тахиатош шаҳар ИИБ томонидан мазкур Меҳрибонлик уйи биносини таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги ҳам баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган эзгу ва хайрли ишларнинг намунасидир.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

*Қорақалпоғистон Республикаси.*

## САВОБ ИШНИ ҲАР КУН ҚИЛИШ КЕРАК

Хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган осойишталик посбонлари ҳаётдан эрта кўз юмган бўлсалар-да, уларнинг кўрсатган жасорати авлодлар қалбида мангу яшайди.

Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими раҳбарияти ҳамда фахрийлар кенгаши Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан узоқ йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилган фахрийлар Румия Абубакирова, Арслон Отақулов, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган катта сержантлар Ҳасанбой Абдуллаев, Тоҳир Жуманиёзов, Ганжабой Файзуллаев, Отабек Абдуллаевларнинг хонадонларига ташриф буюриб, ҳар бир оилага 100 минг сўмдан моддий ёрдам пули топширишди.

Хонадон соҳибалари кўрсатган меҳр-мурувватi учун вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими раҳбарияти ва шахсий таркибига самимий миннатдорлик билдиришди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

*Хоразм вилояти.*

## Маърифат дарси

# ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

**1950 йилдан эътиборан ҳар йили 7 апрелда Жаҳон саломатлик куни нишонланади. Илк бор бу таклиф 1948 йилда илгари сурилган эди. Шу куни, яъни 7 апрелда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Низоми ратификация қилинган. Ушбу халқаро ташкилотнинг вазифаси соғлиқни сақлаш ва дунё аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган халқаро муаммоларни ҳал этишдан иборат. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг штаб-квартираси Женева шаҳрида жойлашган.**

2005 йилда Жаҳон саломатлик куни «Ҳеч бир онани, ҳеч бир болани эътиборсиз қолдирмаймиз» шиори остида ўтди. 2006 йилда Жаҳон саломатлик куни соғлиқни сақлаш билан боғлиқ меҳнат ресурслари инқирози муаммосига бағишланди. 2007 йилда бўлса шу куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди. 2008 йилда эса инсон соғлиғини иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш диққат марказида бўлди. 2009 йилда Жаҳон саломатлик кунининг бош мавзуси этиб тиббиёт муассасаларининг хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш ходимларининг фавқулодда вазиятлар туфайли жабрланган одамларга ёрдам кўрсатиш масалалари белгиланди.

Жорий йилда эса урбанизация ва саломатлик мавзуси муҳокама қилинади. «1000 та шаҳар – 1000 хил ҳаёт» компанияси доирасида бутун дунё бўйлаб кенг қамровли тадбирлар ўтказилади. Ушбу тадбирлар чоғида шаҳарларда соғлиқни муҳофаза қилиш фаолиятини кенгайтиришга даъват этилади. Одамларнинг бу борадаги фаолиятини кўрсатиш учун жонли мисоллар тўпланади.

«Урбанизация» ва «экология» атамалари тақдири ҳамда тарихида ғалати ўхшашлик бор. Улар деярли бир вақтда – XIX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган. То XX асрнинг 60-йилларигача тор доирада, фақат илмий атама сифатида қўлланилар эди. Ҳозирга келиб ушбу тушунчалар кенг қўлланилмоқда, ижтимоий-сиёсий мазмун-маъно касб этган.



«Урбанизация» сўзи одатда икки маънони англатади. Кенг маънода урбанизация – бу инсоният тараққиётида шаҳарларнинг роли ошиши билан боғлиқ тарихий жараёндир. Ушбу жараён ишлаб чиқарувчи кучларнинг, авваламбор аҳолининг жойлашувидаги, ижтимоий-касбий, демографик таркибидаги, ҳаёт тарзи ва маданиятидаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Тор маънода эса урбанизация (аниқроғи, аҳоли урбанизацияси) тушунчаси шаҳарларнинг, айниқса, катта шаҳарларнинг кўпайишини, шаҳар аҳолисининг нисбати, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида шаҳарларнинг роли ошишини, шунингдек, қишлоқ жойларида ҳам шаҳар турмуш тарзининг ёйилишини англатади.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларининг аксар ҳужжатларида шаҳарлардаги атроф-муҳит аҳволини таҳлил қилишда шаҳар атрофидаги ҳолатни ҳам, ижтимоий шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олиш бирдек муҳим эканлиги таъкидланади. Атроф-муҳитнинг аҳволи, сифати ижтимоий-иқтисодий тараққиёт хусусиятларига, ресурслар ва ҳудудлардан фойдаланишга, халқаро корпорацияларнинг фаолиятига тобора боғланиб қолаётганлиги қайд этилади.

Ривожланаётган мамлакатларда, айниқса, шаҳар шароитида ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётни мураккаб экологик-иқтисодий тизимларнинг фаолият кўрсатиши билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарурлигини тобора чуқурроқ англаб етишмоқда. Аммо тараққий топаётган мамлакатларнинг айнан шаҳарларида экологик инфратузилма атроф-муҳит аҳволини яхшилаш борасидаги талабларга мувофиқ келмайди.

Нисбатан яқинда, яъни ўтган асрнинг 60-70-йилларида атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ муаммолар (шу жумладан, шаҳарларда ҳам) фақат саноати ривожланган мамлакатларга хос, тегишли деган фикр, қараш ҳукмрон эди. Кўп ўтмай бу масалага қарашларда туб бурилиш юз берди. 1972 йилда БМТнинг Стокгольмда атроф-муҳит муаммоларига бағишлаб ўтказилган конференциясида шаҳарларнинг экологик ҳолати ривожланаётган мамлакатларнинг энг мураккаб муаммоларидан бири сифатида баҳоланди. Агар саноати тараққий топган мамлакатларда атроф-муҳит ҳолатига эришилган тараққиёт, қулайликлар учун ўзига хос «тўлов» сифатида қаралса, ривожланаётган мамлакатларда бу ҳолат, яъни аянчли экологик вазиятлар хўжалик юритишдаги қолоқлик оқибатидир.

Ривожланаётган мамлакатларнинг йирик шаҳарларида «ҳаётий ресурслар»нинг жиддий ва хатарли даражада пасайиши кузатилмоқда. Бу аҳоли саломатлиги ёмонлашувига олиб келади ва барқарор тараққиёт асосларига путур етказади. Мазкур мамлакатларда шаҳар аҳолисининг кескин ортиб бораётгани ички миграцион жараёнлар билан узвий боғлиқдир. Уларнинг аксариятида шаҳар аҳолиси ўсишининг 40-50 фоизи айнан ана шу жараёнлар ҳиссасига тўғри келаяпти. Аҳоли сонининг ўсиш суръатларини ва ёшларнинг кўпчиликни ташкил этишини ҳисобга олсак, юқоридаги ҳолат яқин келажакда ҳам сақланиб қолишини башорат қилиш мумкин.



Деярли барча ривожланаётган мамлакатлардаги пойтахт шаҳарларда ва уларга туташ ҳудудларда атроф-муҳитнинг ҳолати ёмонлашуви кузатилмоқда. Бу, жумладан, муҳитни ифлослантирувчи саноат корхоналари кўпроқ йирик шаҳарларда қурилиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, урбанизация жамиятда соғлиқни сақлаш учун жиддий муаммодир.

Яқин 30 йиллар ичида аҳолининг ўсиши асосан шаҳарларда юз бериши кутилмоқда. Бу урбанизация жараёнининг умри боқийлигидан дарақдир. Мазкур жараёнлар туфайли сув, атроф-муҳит ифлосланади, тан жароҳати олиш, юқумли касалликлар тарқалиши хавфли кучаяди, овқат сифати ёмонлашади. Аҳолида тамаки чекишга, ичкилик ичишга мойиллик кучаяди, жисмоний фаоллик пасаяди.

Мамлакатимизда аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилишга, фуқароларимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга, соғлом ёш авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берилянти. Юртбошимизнинг раҳнамолиги остида бу соҳада ҳам чуқур ўйланган ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, ихтисослашган клиникалар ва замонавий технологиялар асосидаги шошилинч тиббий ёрдам муассасалари ташкил этилди.

Илгариги беш босқичли тиббий-санитария ёрдами ўрнига икки босқичли самарали тизим жорий этилди. Бундаги биринчи бўғин тиббий муассасаси дастлабки ёрдам кўрсатади. Иккинчи бўғинга кирувчи муассасалар эса ихтисослашган, юқори технологияли шифокорлик ёрдами кўрсатишади. Замонавий қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилганлиги натижасида чекка туманлар аҳолиси ҳам малакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди.

Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам муҳим ўрин тутади. Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва касалликларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда 1997 йилдан буён Экология ва саломатлик кунлари ўтказилиб келинади. Бундан кўзланган мақсад атроф-муҳитни асраб-авайлаш, аҳолининг экологик ва санитария маданиятини оширишдан иборат. Бу борадаги дастурда ҳам табиатни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

**Шамсиддин АТАМУРАДОВ,**
**ИИВ Тиббиёт бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.**

## Дастур ва ижро

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Чунки унда миллий иқтисодиётни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, мамлакатимизни муайян даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу дастурни ишлаб чиқишда Юртбошимизнинг бундан бир йил олдин чоп этилган ва ҳозирга келиб дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби асос бўлган.**

Маълумки, ҳозирги замон иқтисодиёти глобал хусусиятга эга. Кичик ёки катта миллий иқтисодиётлар узилмас ришталар билан ўзаро боғланган. Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиёти ҳам бундан мустасно эмас. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **"...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди"**.

Ушбу таъсир ташқи бозорларда нархлар тушиши туфайли у ерда товарларни сотишдан келадиган экспорт даромадининг камайишида кўринади. Бу эса бозор ҳажмининг торайишидан далолат беради, миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, экспортга йўналтирилган корхоналарнинг фойдаси ва рентабеллиги камайишига олиб келади.

Инқирознинг чуқурлашуви оқибатида экспорт баҳоларининг пасайиши Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келиши мумкин. Инқирознинг бизга салбий таъсири хорижий инвестиция ва кредитларнинг камайиши кўринишида ҳам намоён бўлиши эҳтимоли бор. Чунки капитал экспорт қилувчилар бундай шароитда инвестицияларнинг аксарият қисмини ўз мамлакатига ёки иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга киритади. Юз берган инқироз нафақат иқтисодий, балки ижтимоий талафотларга ҳам олиб келиши мумкинлиги давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр қилинган асарида эътироф этилади. Чунки бу аҳоли турмуш даражасининг ўсишини секинлаштириши мумкин. Инқироз оқибатларининг жиддийлигини инобатга олган Президентимиз Ислом Каримов: **«...жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда»**, дея таъкидлайди.

Инқирозга қарши дастур мамлакатнинг анча ошган иқтисодий салоҳиятига ва сўнгги йилларда иқтисодиётда амалга оширилган жиддий таркибий ўзгаришларга асосланади. Таъкидлаш лозимки, мазкур дастур барча мамлакатлар ялпи ички маҳсулотнинг(ЯИМ) молиявий-иқтисодий инқироз даврида узлуксиз пасайиб бораётганлигига асосланган. 2009 йилда баъзи мамлакатлар, хусусан Хитой ва Ҳиндистонда ЯИМ 5-7 фоизга ўсди. Айни вақтда экспертларнинг Европа Иттифоқи ва АҚШда ЯИМнинг 2,5-3 фоизгача пасайиши ҳақидаги тахминлари асосли бўлиб чиқди. Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги йилларда тез суръатларда ўсмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кўпайиши мамлакатимизда 2007 йилда 9,6 фоизни, 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда эса 8,1 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати Ўзбекистон иқтисодиётида юқори даражадаги инвестицион фаолликка олиб келди. Буни қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. Инвестиция дастури ва техник жиҳатдан модернизация қилиш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йили 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Истиқболда, яъни 2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ, капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш учун барча капитал маблағларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади. Бу эса мамлакатда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ишончли механизми яратилганидан далолат беради.

Иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан аграр-хом ашё йўналишига тобеликка чек қўйиш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улушини оширишга имкон берадиган таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу эса хом ашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутади. Бугунги Ўзбекистон иқтисодиётига индустриал тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳалари роли ва аҳамиятининг ортиб бориши хосдир. **Иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар Ўзбекистонга жаҳон инқирозининг салбий таъсирини бартараф этиш асосини ташкил қилади.** Шундан келиб чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз инқирозга қарши туриш учун етарли моддий, инсоний ва молиявий ресурсларга эга эканлигини қайд этиб, улардан оқилона фойдаланишга ундайди.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш, шу билан бирга, инқироз тугагандан кейин мамлакат иқтисодиётини янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб борилмоқда.

2009 йилнинг бошида *"2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури"* қабул қилинди. Бу дастурга биноан умумий қиймати 41,4 миллиард долларга тенг бўлган 400 дан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилганининг ўзи бизнинг режаларимиз нақадар улкан ва жиддий эканининг далилидир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши дастури инқироз узоқ давом этиши ва унинг иқтисодиётимизга таъсири бир неча йилга чўзилиши мумкинлигидан келиб чиқади. Асосийси, ушбу дастур инқироз доирасидан чиқиб, ундан кейинги ривожланишни ҳам қамраб олади. Ушбу ҳужжат иқтисодиётни давлат томонидан фаол инқирозга қарши тартибга солишга асосланиб, инқирозга қаршилик кўрсатишнинг устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутадики, бу ўз навбатида мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва молиявий хавфсизлигини таъминлайди. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида́нок иқтисодий жараёнлардаги тартибсизликни йўқ қилиш ёки лоақал энг кам даражага етказиш учун бошқарилувчи иқтисодиётга ўтиш йўлини танлади. Мамлакатдаги бозор ислоҳотлари иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун бозорнинг ўзини ўзи тартибга солиши етарли эмас, шу боис давлат томонидан уни фаол тартибга солиш зарур, деган қоидадан келиб чиқди. Натижада инқирозга қарши дастурни амалга оширишда давлат ҳал қилувчи ролни бажаради. Дастурда давлат иқтисодиётга маъмурий йўл билан эмас, балки молиявий-иқтисодий дастаклар ёрдамида ва ўзининг молиявий ресурсларига таяниб таъсир кўрсатиши кераклиги қайд этилган. Унинг амалий ижроси сифатида устав капитали 3,2 млрд. АҚШ доллари бўлган ва келажакда 5 млрд. долларгача етказиладиган Ўзбекистон Республикасини тиклаш ва ривожлантириш фонди ташкил қилинганлиги барчага маълум.




Инқирозга қарши дастурда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг устувор йўналишлари ажратилган. Унда инқироз йўлидаги тўсиқ бўлиши керак бўлган иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш биринчи ўринга қўйилган. Модернизация ишлаб чиқаришга энг замонавий технологияларни жорий этишни англатади. Бу эса меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга имкон беради, ички ва ташқи инвестиция ресурсларини сафарбар этишни талаб қилади ҳамда уларни ва аввало базавий экспортга йўналтирилган тармоқларни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга қаратилган. Бу ўз навбатида миллий иқтисодиётнинг меҳнат унумдорлиги даражасини анча оширишга шарт-шароит яратади.

Инқирозга қарши дастур жаҳон бозорларида нархлар пасайиши натижасида экспортдан келадиган тушумнинг камайишини инобатга олади. Унинг талабларини бажариш учун экспорт ҳажмини ошириш зарур. Бу ўз навбатида экспортга ишловчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни талаб этади. Жумладан, уларга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар берилади. Бу хорижий инвестиция киритилган корхоналар ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи экспортга йўналтирилган корхоналарга тааллуқлидир.

Айтиш керакки, дунёда содир бўлаётган сўнгги воқеалар молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг давом этаётганини кўрсатмоқда. Жаҳон молиявий инқирози дунёдаги манаман деган, иқтисодий жиҳатдан энг тараққий топган мамлакатларни ҳам қийин аҳволга солиб қўймоқда. Нуфузли халқаро биржаларда қимматбаҳо қоғозларнинг нархлари гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилиб, доимий беқарорлик кўзга ташланмоқда. Дунё миқёсидаги етакчи валюталарнинг курси ҳам ҳар куни ўзгариб турибди. Стратегик хом ашёларнинг нархи пастлигича қолмоқда. Катта-катта корхоналар ёпилиб, ишсизлар сонининг ортиши, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви муттасил давом этмоқда.

Халқаро миқёсда тан олинган эксперт ва таҳлилчилар, таниқли давлат ва сиёсат арбобларининг фикр-мулоҳазаларидан аён бўлмоқдаки, глобал молиявий-иқтисодий инқирозга икки муҳим ҳодиса — маънавий ва моддий оламнинг ривожланиш жараёнларини уйғунлаштиришга етарли эътибор бермасдан, бу жараёнлар бозор механизмлари орқали ўзини ўзи тартибга солади, деб уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, яъни оқибатини чуқур ўйламасдан сиёсат олиб борилгани сабаб бўлган. Шу маънода, Юртбошимизнинг юқорида тилга олинган китоби дунё жамоатчилигида, айниқса, бу инқироздан энг кўп зарар кўраётган етакчи ривожланган мамлакатларда катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Чунки бу китобда *"Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун"* деган ҳаётий мезон асосида халқнинг бошқа орзу-интилишлари қатори унинг маънавий қадриятларини ҳам барча ўзгаришларнинг марказига қўйиб, самарали иқтисодий сиёсат олиб бораётган, зарур бўлганда, бозор муносабатларини давлат йўли билан тартибга солиб, турли соҳаларнинг ўзаро мутаносиб ривожланишига эришаётган, улкан тажриба ва салоҳиятга эга бўлган давлат арбобининг ҳар томонлама асосланган концептуал фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Маълумки, 2009 йил 22 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби бўйича бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция ислоҳотларнинг ўзбек моделини ўрганиш, мустаҳкам ва барқарор ривожланадиган миллий иқтисодиётни шакллантириш тажрибасига бағишланди. Анжуманда дунёнинг 60 мамлакати ва 30 халқаро ташкилот ҳамда молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлардан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олимлар ва экспертлар иштирок этди. Ушбу халқаро анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ва кенг кўламли ислоҳотларнинг нуфузли экспертлар томонидан юксак эътирофидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда инқирознинг дастлабки белги-аломатлари пайдо бўла бошлаши билан иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитлар ҳисобга олиниб, зарур тайёргарлик кўрилди. Ўз вақтида эҳтиёткорлик билан иш тутилиб, кенг кўламли дастурлар қабул қилинди. Бундай саъй-ҳаракатлар бугунги мураккаб шароитларда Ватанимизнинг иқтисодий негизларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу борада кўрилган ва кўрилаётган чора-тадбирларнинг асосий йўналиш ва мақсадлари қуйидагилардир:

- иқтисодиётимиз реал сектори қўллаб-қувватлаш ва унинг юкини енгиллаштириш;
- солиқлар юкини камайтириш;
- ишлаб чиқариш соҳасини ички бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратиш;
- истеъмол товарларини тайёрлайдиган тармоқларга, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш ва қўшимча имтиёзлар бериш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият бериш;
- экспортга йўналтирилган корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг солиқ юкини кескин камайтириш, маҳсулотини реализация қилиш учун бозорларни янада кенгайтириш;
- социал инфратузилмани, жумладан тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тармоқларини янада ривожлантириш;
- хизмат соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва шуларнинг ҳисобидан янги иш ўринларини барпо этиш;
- мамлакатимизнинг молия-банк, кредит тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг реал секторга ижобий таъсирини кенгайтириш;
- хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни юртимизга олиб келиш учун керакли шароит туғдириб бериш ва рағбатлантириш.

Бугунги кунга келиб тараққиёт имкониятларимиз кенгайиб, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий юксалиш юз бермоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидланганидек, *«Бизнинг ислоҳотлар давомида наинки моддий фаровонликка, айни пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон, деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани жой-жойига қўяди, деган енгил-елпи қарашга итоат қилиб, фақат моддий бойлик ортидан қувиш — халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ҳам, инсонийлик билан йўғрилган миллий қадриятларимиз моҳиятига ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислоҳотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган қоидани ўзимиз учун дастуруламал сифатида белгилаб олдик»*.

Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий омилларнинг маънавий омиллар билан уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётга татбиқ этилгани, вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, эртанги кунни ўйлаб, фикр-мулоҳаза юритиб, энг мақбул тараққиёт йўли танлаб олингани ва оғир-вазминлик билан сиёсат олиб борилгани яккаю ягона тўғри йўл бўлгани ҳозирги мураккаб даврда амалда тасдиқланмоқда. Иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида иқтисодий мезонлар билан бирга, келгусида бу ўзгаришлар халқимизга нима беради, деган маънавий мезонлар ҳам ётади. Мураккаб шароитларга қарамасдан, Ўзбекистонда ижтимоий масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Ғарб мамлакатларида ижтимоий тадбирлар учун харажатларни камайтирилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда бу соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. 2010 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 59 фоизи ижтимоий тадбирларга ажратилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Бугун атрофимизда мавжуд вазият, бутун дунёда сақланиб қолаётган хавф-хатар ва қарама-қаршиликлар, жумладан, халқаро майдонда давом этаётган молиявий инқироз биздан янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади. Бу жараёнлар ўз вақтида тегишли хулосалар чиқаришга, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилишга ундайди.

**Шариф ҚОБИЛОВ,**
**ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедраси доценти, полковник.**

**Сарварбек ДАРВИШОВ,**
**кафедра ўқитувчиси, катта лейтенант.**

## Яраштириш комиссиялари фаолиятидан

# ЎҒИЛЛАР ЯНА ОТА БАҒРИДА

**Инсон ҳаётда хато қилиши табиий ҳол. Аммо ундан тўғри хулоса чиқармаса каттароқ хатога йўл қўйиши мумкин. Айниқса, оилавий муносабатларда бу яққол кўзга ташланади. Овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида фаолият юритаётган яраштириш комиссиялари оила-турмуш доирасидаги келишмовчиликларга барҳам беришда катта аҳамият касб этмоқда.**

– Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, низолар асосан томорқа чегарасининг бузилиши, эр-хотин муносабатлари ёмонлашуви, оилада носоғлом муҳитнинг вужудга келиши, ота-она ва фарзанд ўртасида меҳр-оқибатнинг кўтарилиши натижасида юзага келаяпти, – дейди Тўрткўл тумани «Шўрохон» овул фуқаролар йиғини раиси Қ. Юлдашев. – Ўтган йил давомида ана шундай ҳолатлар юзасидан туман ИИБ томонидан тақдим қилинган 11та ҳужжат яраштириш комиссияси аъзолари томонидан ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.



Яраштириш комиссиясининг навбатдаги йиғилишида отасини ранжитган фарзандларнинг хатти-ҳаракати муҳокама қилинди. Бир қарашда бу ерда кечаётган жараён суд залини эслатади. Аммо қораловчи, оқловчи ва «айбланувчи»нинг йўқлиги фуқаролар йиғинининг том маънодаги мазмун-моҳиятини намоён этади.

– Очиғи, кексайган пайтимда фарзандларим устидан шикоят қиламан деб сира ўйламаган эдим, – деди Қодир ака кўзига ёш олиб. – Тўнғич ўғлимга балон ямаш устахонаси очиб бердим. Устахона қулай жойга жойлашганлиги, ўзи қўли гул уста бўлгани учун мижозлар аримайди. Кичик ўғлим ўзим каби бинойидек кулол. Аммо иккиси ҳам ишини ташлаб, чет элга ишлаш учун кетмоқчи. Менинг қаршилигим ва уларнинг ақл билан иш тутмаётгани вазиятни кескинлаштириб юборди.

– Отам охирги пайтда жуда эзма бўлиб қолганлар. Оддий ҳақиқатни тушунишни истамайдилар, – деди Саид безрайиб.

– Акам тўғри айтаяпти, отамнинг насиҳатлари одамни тўйдириб юборди. Биз ҳам бошқаларга ўхшаб яшагимиз келади, – деди Мажид.

– Отангиз сизларга ҳунар ўргатди, ишлаб пул топиш учун шароит яратиб берди. Падари бузрукворингиздан нолисангиз сизни Оллоҳ ҳам кечирмайди, – деди яраштириш комиссияси раиси Қурбонбой Юлдашев.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ўрингул Оллаберганова ёш болали ва ҳомиладорликни бошидан кечираётган келинларни ҳам ўйлашлари, эртага улар рўзғор юритишдан ташқари томорқа ишларида қийналиб қолишлари, бу эса саломатликларига таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунтирди. Профилактика инспектори, капитан Рашид Атажанов одам савдоси ҳозирда глобал муаммога айлангани, ҳушёрлик унутилса унинг домига тушиб қолиш эҳтимолдан холи эмаслигини айтиб, ноўрин ҳақорат қилган ўғилларни отадан узр сўрашга чақирди.

Фарзандлар қаттиқ адашганликларини билдириб, кечирим сўрашди. Қодир ака уларни бағрига босди. Ярашиш қандай яхши.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

**Суратда:** *«Шўрохон» овул фуқаролар йиғини раиси Қ. Юлдашев, профилактика инспектори, капитан Р. Атажанов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ў. Оллабергановалар яраштириш комиссиясининг навбатдаги йиғилишида.*

**Муаллиф олган сурат.**

*Қорақалпоғистон Республикаси.*

## Умрингизга барака

**Равшан ота Сатторов бу йил ўзининг 85-баҳорини нишонлаш арафасида. У кишининг ҳаёти жўшқин дарёга ўхшайди. Ота кўп йиллар давомида ёнғин хавфсизлиги хизматида фаолият кўрсатган. 1944-1950 йилларда ҳарбий хизмат бурчини ўтади. Р. Сатторов Иккинчи жаҳон урушида Ватанимизни босқинчилар зулмидан озод қилишда фаол иштирок этиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшди. 1950 йилда ўзи туғилиб ўсган Ғиждувон туманига қайтиб келди. Бироз вақт ўтгач, туман марказидаги ўт ўчириш қисмига ўт ўчирувчи бўлиб ишга киради.**



# ЭЛ ҲУРМАТИ – ОЛТИНДАН АЪЛО

Равшан Сатторов ўзига юклатилган вазифани дастлабки кунлариданоқ сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилди. Ўт ўчирувчилик касбининг барча сир-асрорларини қунт билан ўрганишга интилди. Хизмат давомида учраб турадиган баъзи бир қийинчиликларни енгиш, муаммоларни бартараф қилишда ҳарбий хизматда орттирган тажрибаси, унга катта ёрдам берди ва тез орада ҳамкасблари, ёнғиндан сақлаш бўлими раҳбариятининг эътиборига тушди.

1953 йилда унга катта ишонч билдирилиб, бўлинма командири лавозимига тайинланди. Бу Равшан Сатторов зиммасига янада катта масъулият юклади. Билдирган ишончни оқлаш мақсадида ўз устида тинмай ишлади. Устозларидан хизматни ташкил қилиш, ёнғинларни ўчириш тажрибаларини ўрганди.

1964 йил Равшан Сатторовнинг хизмат фаолиятида яна ўзгариш рўй берди. Ўзининг меҳнатсеварлиги, интилувчанлиги ва шахсий таркиб билан ишлаш қобилияти борлигини сезган вилоят ИИБ Ёнғиндан сақлаш бўлими раҳбарияти уни қисм бошлиғи ўринбосари лавозимига ўтказишни лозим топади. Бу таклифни унга айтишганида ҳаяжонланиб:

– Ҳали етарлича тажрибага эга эмасман, – деб жавоб беради.

– Равшанжон, масъулиятдан асло чўчиманг. Бўлимимизда бу соҳада анча билим ва тажрибага эга ходимларимиз бор, улар сизга албатта, кўмаклашишади. Бизнинг асосий вазифамиз сиздек ўз касбига фидойи, жонкуяр ходимларини қўллаб-қувватлашдан иборат, – деди вилоят ИИБ ЕСБнинг ўша пайтдаги бошлиғи, подполковник Ҳ. Насруллаев.

Равшан бўлим бошлиғи хонасидан бир олам таассуротлар билан чиқди. Айниқса, бошлиқнинг илиқ муомаласи, суҳбатдошининг гапини диққат билан тинглаши унга жуда ҳам маъқул келди ва ҳурмати янада ортди.

Қисм бошлиғи ўринбосари бўлиб хизмат қилган йиллар соҳада ҳам бир қатор ўзгаришлар юз берди. Жумладан, узоқ йиллар хизмат қилиб келган ёнғин ўчириш автомобиллари ўрнини ҳар томонлама қулай, фойдали, иш унуми юқори бўлган техникалар эгаллади. Бу эса ўз навбатида қисм раҳбарияти ва шахсий таркиб олдига янги вазифаларни юклади.

Қисмда автомобиллар туриши учун қўшимча гараж, техник хизмат кўрсатиш устахонаси, навбатчи қоровуллар шахсий таркиби билан машғулотлар ўтказиш учун ўқув хонаси қайта қурилди.

1971 йилнинг илк баҳорида ҳикоямиз қаҳрамони Равшан Сатторов қисм бошлиғи лавозимига тайинланиб, 20 йил раҳбарлик қилди. Ўша йилларда Бухоро вилояти туманларидаги ёнғин ўчириш қисмлари бўлинма командирлари, профилактика йўриқчилари, радиоалоқачилар, ҳайдовчилар, ўт ўчирувчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун туманлараро ўқув маскани 1-касбийлаштирилган ёнғин ўчириш қисми негизида ташкил этилди. Масканни керакли ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар, адабиётлар билан таъминлаш, тингловчиларга шарт-шароит яратиб берилишида Р. Сатторовнинг хизмати катта бўлди.

Қисм навбатчи қоровуллар шахсий таркиби саф тайёргарлигини меъёр талабига етказиш, ўт ўчириш амалий спортини кенг тарғиб қилиш мақсадида қисм ҳудудида 100 метрли тўсиқлар оша югуриш йўлаги, 4 қаватли ўқув минораси ҳашар йўли билан барпо этилди. Унинг хизмати ҳақида яна кўп мисоллар келтириш мумкин.

Равшан ота Сатторов ўзининг узоқ йиллик самарали хизмати давомида ўндан ортиқ шогирдлар етиштирди. Улар ҳозирда ёнғин хавфсизлиги хизматида турли лавозимларда сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар.

1991 йилда Равшан Сатторов нафақага чиқди. Бироқ тиниб-тинчимас ота нафақада бўлса-да жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Айримлар: «Кексайган чоғингизда дам олиб ётсангиз бўлмайдими?», деса, унга жавобан: «Эл хизматидан чарчамайман», дейди. Халқимизда: «Олтин олма, дуо ол!» деган ажойиб мақол бор. Равшан ота бир умр шу мақолга амал қилиб, эл ҳурматига сазовор бўлди. Отахон маҳалла ободлиги йўлида фаоллик кўрсатиб, ёшларни Ватанга, ўз касбига садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Равшан ота саккиз фарзандни тарбиялаб, камолга етказди. Қирқ нафар неваранинг севимли бобоси. Ўғли Бахтиёр Сатторов ҳам ота изидан бориб, ёнғин хавфсизлиги хизматида ишлаб, капитан унвонида нафақага чиқди. Отахоннинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари, Ватанга, халққа қилган хизматлари бугунги ёш авлод учун чинакам ҳаёт мактабидир. У кишидаги оилапарварлик, юртпарварлик ва меҳнатсеварлик каби ажойиб фазилатлари барчамизга ибратдир.

**А. ТОИРОВ,**
**подполковник.**
**Т. КАЗАКОВ,**
**истеъфодаги майор.**
*Бухоро вилояти.*

## Болалар спорти

**Фарзандларимизни соғлом ўстириш, ҳам маънавий, ҳам жисмоний нуқтаи назардан қавас қиладиган баркамол авлодни ўстириш, ёшларимизни спорт орқали “парвоз” қилишига эришиш, болалар спортининг ривожи Ватанга садоқат уйғотиши ва келажакка ишонч туғдириши керак.**

**Ислом КАРИМОВ.**

# АВЛОДЛАР БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА



Бугунги куннинг ҳар бир ҳушёр кишиси мамлакатимизда спорт жадал равишда ривожланаётганига амин бўлади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, маънавий баркамоллигини таъминлаш, уларнинг соғлом турмуш тарзига интилиши ва спортга меҳрини ошириш борасида шарт-шароитлар яратиб бериш, болалар оммавий спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Чунончи, Ватанимиз спортчилари нафақат халқаро майдонга чиқдилар, балки ажойиб муваффақиятлари билан жаҳон аҳлини лол қолдирмоқдалар. Энг муҳими, мамлакатимиз ёшлари спортни ўз ҳаётининг ажралмас қисми сифатида таниб улгурдилар.

Болалар спортини ривожлантириш – юрт равнақи учун қўйилган пойдевордир. Келажакни ўйлаб қилинган бундай олижаноб савобли ишлар мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари барпо этилаётгани, унда эртамиз эгаларини спортга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш юзасидан қилинаётган ишлар бунинг ёрқин далилидир.



Юртбошимиз – оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги роли, унинг жисмоний ҳамда маънавий соғломликнинг асоси, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг аҳамияти жуда катта эканлигини доимо таъкидлаб келган.

Яқинда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз спортнинг жамиятдаги ўрни хусусида тўхталиб: **«Спорт ёшларни турли иллатлардан қайтарадиган, ҳал қилувчи аҳамиятга молик энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизларнинг саломатлиги яхши, фикри тиниқ бўлади, улар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам беради»,** дедилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрда "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВга қарашли «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳам болалар спортини ривожлантиришга собитқадамлик билан ҳисса қўшаётган масканлардан биридир. Ҳашаматли, жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳобатли спорт мажмуасида каратэ, таэквон-до заллари, иккита тренажёр, очиқ ва ёпиқ теннис корти, мини-футбол майдончаси, кичик ва катта сузиш ҳавзаси, футбол стадиони болалар ихтиёрида. Бу ерда 150 та ўқув гуруҳлари мавжуд бўлиб, спортнинг ўн беш тури (дзюдо, самбо, жанговар самбо, қўл жанги, миллий кураш, шейпинг, каратэ, теннис, таэквон-до, бокс, кикбоксинг, бадиий гимнастика, сузиш ва ҳоказолар) бўйича машғулотлар олиб борилади.

Машғулотларни йигирма нафар тажрибали мураббийлар ўтказишади. Самбо бўйича тўгарак мураббийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, халқаро тоифадаги спорт устаси Равшан Аҳмеджанов, каратэ бўйича 2-ДАН қора белбоғ соҳиби Дониёр Тошмуҳаммедов, таэквондо ва кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Бахтиёр Исроилов, миллий кураш бўйича спорт устаси Олим Норов, дзюдо бўйича Елена Тулупова, теннис бўйича катта мураббий Гулчеҳра Таймуратовалар шулар жумласидандир. Уларнинг таълим-тарбияси ва спорт сирларини ўрганиб камол топаётган ёш спортчилар мамлакат чемпионати ва жаҳон спорт ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Масалан, ўтган йили бўлиб ўтган республика биринчиликларида Г. Тўраев (кикбоксинг), Ш. Акбарова, А. Ғафуржонов, М. Нигматов (таэквон-до), Ю. Соатов (миллий кураш), А. Қосимов, И. Шарипов, Г. Махсудова, С. Хайруллаев (шотакан каратэ-до) биринчи ўринни қўлга киритди. Халқаро мусобақаларда эса Д. Анваров (бокс), Д. Аъзамов, Д. Алиев (шарқ яккакураши), Ш. Қўчқоров, Ф. Шарипов (самбо), И. Тожиева (қўл жанги) ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Шунингдек, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуаси кўплаб спорт тадбирларига мезбонлик қилмоқда. Биргина ўтган йили мажмуада 46 та халқаро ва мамлакат миқёсидаги спорт мусобақалари ўтказилди.

–«ЖАР» ССМда болаларга самбо сирларидан сабоқ бераётганимга икки ярим йилдан ошди, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, самбо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Равшан Аҳмеджанов. – Ҳозирги пайтда оилаларда спорт маданияти шаклланаётиб бормоқда. Ота-оналар фарзанд тарбиясида спортнинг ўрни беқиёс эканлигини чуқур ҳис этишаётгани диққатга сазовордир.

– Ёшим тўққизда, – дейди Камоллиддин Хўжаев. – Бизнинг спорт билан шуғулланишимиз учун бу ерда барча шароитлар яратиб берилган. Устозимиз Баҳром Шарипов раҳбарлигида бокс сирларини қунт билан эгалламоқдамиз. Келажакда чемпион бўлиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиш хоҳлайман.

Дарҳақиқат, келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлодни ана шундай соф эзгу ниятларнинг спорт ёрдамида янада мустаҳкамланаётгани кишига ўзгача фахр, ғурур бағишлайди. Энг муҳими, мурғак қалбларда келажакка интилиш ва музаффар спортчи бўлиб, юрт байроғини сарбаланд кўтаришга бўлган ишонч бор.

Дарвоқе, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида тарбияланувчи спортчилар ўтган йили ўн тўртта турли даражадаги мусобақаларда иштирок этиб, йигирма тўққизта олтин, йигирма битта кумуш, йигирма еттита бронза медалини қўлга киритишди. Спортчилардан икки нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, тўрт нафари спорт устаси ва бир гуруҳи спорт разрядини қўлга ўтди.

– Бугун ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари эртанги кунимиз бунёдкорлари, эзгу ишларимиз давомчиларидир, – дейди «ЖАР» ССМ бошлиғи ўринбосари, подполковник Зайниддин Улуғмуродов. – Уларни ҳар томонлама баркамол, соғлом, мустаҳкам иродали, мустақил фикрлашга қодир, Ватанига содиқ инсон қилиб тарбиялаш ва вояга етказиш истиқлолнинг илк кунлариданоқ бошланган ёш авлод тарбияси бўйича ишларнинг пировард мақсадидир. Айнан шу йўналиш давлатимиз ички сиёсатининг устувор мақсади этиб белгилангани ҳам бежиз эмас. Спорт мажмуамизга қатнаётган болалар сони кун сайин ортиб бормоқда. Баркамол авлод йили бизнинг спорт тарбиячиларига катта вазифалар қўймоқда. Бу борада ёш спортчиларни тарбиялаш, бўлажак чемпионларни кашф этишдан чарчамаймиз. Бизда бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли.

Ҳа, баркамол авлод – келажагимиз пойдевори. Уларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдириш борасида шарт-шароитлар яратиб бериш, болалар оммавий спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, Ватанга садоқатли, келажакка ишончи бор, баркамол авлодни тарбиялаш, болажонларимиз орасидан истеъдодли спортчиларни кашф қилиш ва дунё спорт майдонларида уларнинг зафар қучишини кўриш бош мақсадимиздир.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

**Суратларда:** *«ЖАР» ССМ ҳаётидан лавҳалар.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.**

## АҚЛ ЧАРХИ

Газетамизнинг 13 мартдаги 11-сонида берилган машқларга қуйидагилар тўғри жавоб йўллашди: **Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ИИБ ходими, кичик сержант Мансурбек Раҳимов, Андижон вилояти ИИБ ТИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Носиржон Ибрагимов, Хоразм вилояти Урганч шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, кичик сержант Ҳасан Қурбонбоев ва Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ходими, кичик сержант Акмалжон Мўминов.**

Жавоблар қуйидагича:

Икки юриш. **1. От d6; Шоҳ**×**f4** (От×d6/×g5). **2. От d3#.**

Уч юриш. **1. Фарзин е8; Пиёда f6×e5. 2. От е4; Шоҳ d4. 3. Фарзин d7#.**

**Навбатдаги машқлар:**

Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.



Оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.



**Жавобларингизни 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-40-92 рақамли телефон орқали билдиришингиз мумкин.**

ЭЪЛОН

**КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий техника таъминоти бошқармаси қуйидаги товарларни етказиб бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. «Маглайт» фонарига ўхшаш фонар.
2. Гидравлик қайчилар.
3. Гидравлик пресс.
4. Чангак отишга мўлжалланган Арбалет.
5. Альпинистлар анжомлари.
6. Қутқарувчилар анжомлари.
7. Қутқарув аппарат мосламаси.

**Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-берк кўча 1-уй.**

**Танлов қатнашчиларининг таклифлари 2010 йил 10 апрель соат 17.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.**

**Қўшимча маълумотлар учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: 8 10 998(3712) 281-43-69, 255-83-28, 255-75-12.**

**Факс: 8 10 0998(371) 281-43-73,**

**E-mail: umtvs@uzpak.uz**




# «MEN HAM HARBIY BO'LAMAN!»

Mahmudjon kichkinaligidan yurt posboni bo'lishni orzu qiladi. Harbiy kiyimda shaxdam qadam tashlaydigan yurt posbonlariga havasi kelib, men ham albatta, yurtimizni qo'riqlayman, deb orzu qiladi. Bu istagini dadasiga bildirganida Olimjon aka uning bu fikrini qo'llab-quvvatladi. Mahmudjonni poytaxtdagi yosh harbiylarni tayyorlovchi maktablardan biriga o'qishga olib keldi. Ketar chog'lda:

– O'g'lim, sen tariximizni, ona tilimizni, adabiyotimizni yaxshi o'rgansang, albatta, chinakam yurt posboni bo'lasan, deb uqtirdi.

Avvaliga ota-onasidan uzoqda bo'lgan Mahmudjon ularni sog'inib ko'nikishi ancha qiyin bo'ldi. Qolaversa, yangi maktab, yangi ustozlar, yangi sinfdosh – tengdoshlar bilan til topishish mushkuldek tuyuldi. Sinfdoshlari qishloqdan kelgan bu sodda bolakayni hushlamaygina qarshi olishdi. Hech kim uni o'z safiga qo'shishni istamasdi.

Yuragida harbiy bo'lish istagi kuchli bo'lgan Mahmudjon men albatta yaxshi o'qiyman, kuchii bo'laman deya o'z-o'ziga so'z berdi.

Oradan hech qancha vaqt o'tmay Mahmudjon o'zining yaxshi xulqi va a'lochi o'quvchiligi, tirishqoqligi bilan maktabda hammaning e'tiboriga tushdi. Tengdoshlari ham uning o'qishga, o'rganishga bo'lgan intilishini ko'rib Mahmudjondek bo'lishga intilishardi. Sinfdoshlari undan o'rnak olishib, darslardan so'ng qo'shimcha mashg'ulotlarga qolishar, turli kompyuter o'yinlariga qiziqishlar kamayib, kutubxonadan kitob so'raydigan o'quvchilar soni anchaga oshdi. Mahmudjon hali yosh bo'lishiga qaramay, ko'p narsalarga aqli yetar, xuddi kattalardek fikrlaydi. Bo'sh vaqtlarida sport bilan shug'ullanar, duradgorlik sir-asrorlarini ham o'rganib boradi. Uning bu yutuqlaridan ota-onasi, ustozlari quvonishadi. Tengdoshlari esa Mahmudjon bilan faxrlanishadi.

**Zuhra BO'RIYEVA.**



**– Hozircha men bolaman,
O'sib katta bo'laman.
Yurtimga posbon bo'lib,
Xalqqa xizmat qilaman!**

Abu KENJAYEV surat-lavhasi.

KO'KLAM ILHOMI

## BAHOR KELIBDI



Tog'larda qor eribdi,
Hamma gullar teribdi,
Bulbul xonish qilibdi,
Yurtga bahor kelibdi.

Adrlar ko'k bo'libdi,
Daraxtlar barg yoyibdi,
Bodom gulga kiribdi,
Elga bahor kelibdi.

Qizlar atlas kiyibdi,
Шо'x raqsga tushibdi,
Do'stlar shodon bo'libdi
Dilga bahor kelibdi.

Dehqon kuchga to'libdi,
Ekinlarin ekibdi,
Dalada ish qizibdi,
Gulgun bahor kelibdi.

Cho'ponlar shod bo'libdi,
Ko'p qo'zilar olibdi,
Rizq-ro'zimiz to'libdi,
Bugun bahor kelibdi.

Quyosh nurga to'libdi,
Olamga zeb beribdi,
Daryolar sho'x oqibdi,
Bugun bahor kelibdi.

**Manzura SAYFIDDINOVA.**

## YOMG'IR

Yomg'ir yog'sa shivalab,
Zamin bo'lar nurafshon.
Ekinlar tagi yumshar,
Bu to'kinlikdan nishon.

Yomg'ir tinsa yeru ko'k,
To'yib nafas olarmish.
Birpasda bulutlar yo'q
Bo'lib, tarqab qolarmish.

Yana mo'ralab quyosh,
Bulutlarga qaradi.
Yetar to'kma deb, ko'z yosh,
Yerga nurin taradi.

**Mirxon MIRAHMEDOV.**

ODOB – KISHINING ZIYNATI

## HAMMANI HURMAT QILISH KERAK

Behzod bilan Samandar sinfdosh, qalin do'st. Birga maktabga borishadi, birga qaytishadi. Bekatda avtobus kutib turishgan edi bir keksa ayol kelib qoldi. Samandar yugurib borib ayolning qo'lidagi xaltani olib, o'rindiqqacha ko'tarib keldi. Kampir mamnun bo'lib:

– Rahmat, o'g'lim, – dedi.

Birozdan keyin avtobus keldi. Samandar kampirining xaltasini ko'tarib, o'zining qo'lidan olib, mashinaga chiqishiga yordamlashdi. Ayol o'rindiqqa joylashib Samandarga yana rahmat aytdi.

Behzod Samandarning harakatlarini kuzatib borar ekan so'radi:

– Bu kampir buvingmi?

– Yo'q.

– Bo'lmasa xolangmi?

– Yo'q, tanimayman, – dedi Samandar.

– Tanimasang nega unda yordamlashding?

– Buvam hammani baravar hurmat qilgin, deganlar.

Ularning suhbatini eshitgan keksa ayol kulib:

– Bolalar hammani hurmat qilishi kerak. Tanimayman deb yordamga muhtoj kishidan o'zini olib qochmaslik lozim. Bu o'g'lim yaxshi tarbiya ko'rgan ekan, – deya Samandaming boshidan silab qo'yibdi.

Behzod xijolat bo'lib, endi men ham hammani hurmat qilib, yordam beraman, deya o'ziga so'z beribdi.

**Sadriddin ABDULLAYEV.**

BU – QIZIQ!

## GIGANT QURBAQA

Avstraliyaning Darvin shahrida kattaligi kuchukdek keladigan ulkan qurbaqa topildi.

– Bu juda kam uchraydigan holat, – deyishmoqda biolog-olimlar. – Uzunligi 21 santimetr, og'irligi sal kam 1 kilogramm keladigan bu qurbaqani sinchiklab o'rganishga to'g'ri keladi.

## TO'POLONCHI SIGIR

Shaharda bo'shalib, uch soat mobaynida politsiya hamda o't o'chirish xizmati xodimlarini ovora qilgan sigir nemislarning Gannover shahriga 25 ming yevro miqdorda zarar keltirdi. Fermadan qochib kelgan «Ushi» laqabli bu sigir adashib shaharga borib qolgach, oldidan chiqqan narsalarni yiqitib ketavergan. Sigirning egasi yetkazilgan zararni qoplashni o'z zimmasiga olgan.

*Kulgu bekati*

## NASIHAT

Ona o'g'liga nasihatomuz dedi:

– O'g'lim, darslaringni har kuni o'z vaqtida tayyorlagin. Qolgan ishga qor yog'ar deb bejiz aytilmagan.

Onasi hali gapini tugatmasdan o'g'li o'rnidan turib xonasiga qarab keta boshladi.

– Qayerga ketyapsan? Hali gapim tugamadi, – dedi onasi.

– Ertaga yeyman deb konfet olib qo'ygandim. Qor yog'ib tagida qolmasidan.

## BOSHQOTIRMALAR

Qishning sovuq kunida o'rmonchi kuni bilan o'rmonni kezib, yarim tunda horib-tolib uyiga qaytdi. Uning uyida sham, kerosin chiroq va o'chog'i bor. Ammo yonida bor-yo'g'i bir dona gugurt cho'pi qolgan ekan. Ayting-chi, o'rmonchi birinchi bo'lib nimani yoqadi?

**Javob:** gugurt donasini.

* * *

Orif bilan Murod yerto'laga tushib rosa bekinmachoq o'ynashdi. Birozdan so'ng ular yerto'ladan chiqishganida Orifning yuzi changga botgan, Murodning yuzi esa toza edi. Ammo yuvingani Orif emas, Murod hammomga kirib ketdi. Nima uchun?

**Javob:** Chunki Murod Orifning yuziga qarab «men ham shunday iflos bo'lsam kerak» degan o'yda yuvingani ketdi. Ammo Orif Murodning toza yuziga qarab o'zining yuzi iflos bo'lganini xayoliga keltirmadi.

## Rasmlardagi o'nta farqni toping!





ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## «БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ»

**Азиз муштарийлар! Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти 2010 йил – Баркамол авлод йили муносабати билан**

**«БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ»,**

**деб номланган совринли танлов эълон қилади.**

***ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:***

1. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижроси юзасидан ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида очерк, мақола, репортаж ва энг яхши хабарлар.
2. Ички ишлар идораларида бошқаларга ўрнак бўлиб, фидойилик намуналарини кўрсатиб хизмат қилаётган ёш ходимлар ҳақида очерк ва мақолалар.
3. Жиноятларни «иссиқ изида» фош этган ёш ходимлар ҳақидаги мақолалар. Детектив қисса ва ҳикоялар.
4. Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида аъло баҳоларда ўқиётган, жисмонан ва маънавий жиҳатдан баркамол иқтидорли тингловчилар ҳақидаги мақолалар.
5. Болалар спортини ривожлантиришда ички ишлари идоралари ходимларининг хизмати акс эттирилган мақолалар.

Танловга ўзбек ва рус тилларида ёзилган материаллар қабул қилинади ҳамда «Postda», «На посту» газеталари ва «Qalqon», «Щит» журналларида чоп этиб борилади.

Танлов ғолиблари 8 декабрь – Конституция куни арафасида аниқланади ҳамда рағбатлантирилади.

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ ВА ҒОЛИБ БЎЛИНГ!**

ДИҚҚАТ

## Хоразм вилояти ички ишлар идораларининг «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

| | |
|---|---|
| 1. Вилоят ИИБ | 8362 224-32-16 |
| 2. ЖҚ ва ТҚКБ | 8362 226-14-71 |
| 3. ИҲҲҚ ва ЮТБ | 8362 224-28-32 |
| 4. Тергов бошқармаси | 8362 226-67-82 |
| 5. ППХ ва ЖТСБ | 8362 227-36-54 |
| 6. ЙҲХБ | 8362 225-32-42 |
| 7. ҲООБ | 8362 226-79-27 |
| 8. ЁХБ | 8362 227-24-11 |
| 9. ШТБИХ | 8362 224-35-04 |
| 10. ШТБМИ | 8362 226-64-70 |
| 11. ХЧК ва ФРБ | 8362 224-32-95 |
| 12. Қўриқлаш бўлими | 8362 226-25-98 |
| 13. Урганч шаҳар ИИБ | 8362 224-33-79 |
| 14. Урганч тумани ИИБ | 8362 352-23-50 |
| 15. Хива тумани ИИБ | 8362 375-27-41 |
| 16. Хонқа тумани ИИБ | 8362 399-10-02 |
| 17. Боғот тумани ИИБ | 8362 315-17-51 |
| 18. Ҳазорасп тумани ИИБ | 8362 332-46-79 |
| 19. Питнак шаҳар МБ | 8362 305-44-19 |
| 20. Қўшкўпир тумани ИИБ | 8362 329-14-73 |
| 21. Шовот тумани ИИБ | 8362 345-28-76 |
| 22. Янгибозор тумани ИИБ | 8362 419-21-86 |
| 23. Гурлан тумани ИИБ | 8362 365-25-97 |
| 24. Янгиариқ тумани ИИБ | 8362 385-61-12 |


ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

Манзил:

Чилонзор тумани,
Олмазор мавзеси 17-уй.

Мўлжал:

Бешёғоч майдони,
Муқимий театри.


## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

**ҚЎЙ.**

Ҳафтанинг биринчи ярмида дўстлар билан муносабатни янада яхшилаш, орзу-ниятларни ошкор этиш имконияти туғилади. Гарчи сизни хаёлпарастга чиқарсалар ҳам умидларнинг ижобат бўлишини чин дилдан тилайдилар. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги ғоялар, мақсадлар пайдо бўлиши мумкин. Амалга ошиши мумкин бўлмаган ишларни ўйлаб, вақт ўтказмасдан, аниқ мақсад сари дадил ҳаракат қилишни маслаҳат берамиз.

**СИГИР.**

Ёлғиз қолиб, ҳаётдаги ширин лаҳзаларни эслаб, кўнгилни кўтариш, завқ олиш лозим бўлади. Бу сизга куч-қувват бағишлаб, янги мақсадлар сари ҳаракатга ундайди. Эски суратларни томоша қилиб, қадрдонлардан келган, сақлаб қўйилган хатларни ўқинг. Ўтган йилларни ёдга туширувчи эсдаликлар янги ғоялар туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо бу ҳақда бошқаларга ошкор қилмаган маъқул.

**ЭГИЗАКЛАР.**

Ҳафтанинг биринчи ярми дунёқарашни кенгайтириш, дўстлик ришталарини маҳкамроқ боғлаш учун қулай келиши кутиляпти. Яқинлар билан қисқа саёҳатга чиқиш ҳам мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ақлий машғулотлар билан шуғулланишга қулай бўлади. Дўстлар давраси кенгайиб, танишлар ортириш, янги ғоялар туғилиши эҳтимоли бор. Бироқ ҳар қандай хабарга, синалмаган кишига ишонавериш ярамайди.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**

Инсонни ҳурматлаш, эъзозлаш, меҳр-мурувват кўрсатиш каби хислатлар ҳаёт йўлингизда ютуқлар омили бўлишини унутманг. Ҳафтанинг биринчи ярмида тузилган қатъий қарор ижобати ҳаётингизда ўзгариш ясаши мумкин. Дадил, тез ва бехато ҳаракат қилиш лозим бўлади. Оқилона иш тутиш билан ютуқларга эришилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида молия масалалари, пул муомаласи билан шуғулланишни маслаҳат бермаймиз.

**АРСЛОН.**

Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярми ўқиш, тажриба алмашиш учун қулай келишидан хабар беряпти. Ҳамфикр, ҳамкасблар билан бирга машғулотда қатнашган маъқул. Шахсий муносабатларда янги истиқболлар очилиши мумкин. Шеригингиз тўғрисида, унинг сиз билмаган қирралари ҳақида маълумот олиш имкони бўлиши эҳтимоли бор. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янада фаолроқ бўлишга ҳаракат қилишни маслаҳат берамиз.

**БОШОҚ.**

Бу ҳафтани саломатликни мустаҳкамлашга ва даволанишга бағишлашни маслаҳат берамиз. Касалликнинг озгина чекинганига, танангиздаги куч-қувватга ишониб қолмай, даволаниш, профилактик ишларни давом эттириш лозим бўлади. Ҳар қандай кишига ишонавермай, ақл билан иш тутинг. Айниқса, диний мутаассиблар доирасига тушиб қолиш, уларнинг алдовига учиб, ноқонуний ишларга аралашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг!

**ТАРОЗИ.**

Юлдузлар ҳафта давомида шахсий муносабатларни тиклаш, яхшилаш учун қулай имкониятлар пайдо бўлишидан дарак беряпти. Дам олиш, кўнгил ёзиш, ишқий учрашувлар учун ҳам қулай бўлади. Бўйдоқлар ўз умр йўлдошларини топиш имкониятига эга бўлишлари кутиляпти. Янги танишувлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳар қандай таваккал ишлар, эҳтиросли ўйинлардан четроқ юрган, тасодифий таклифни рад этган маъқул.

**ЧАЁН.**

Ҳафтанинг биринчи ярмида уй, хонадондаги мажбуриятингизни бажариб, мавқеингизни мустаҳкамлаб олишингиз мумкин. Хонадонда тозалаш, ободонлаштириш, зарур бўлса таъмирлаш ишларини амалга оширишни режалаштиринг. Турмуш ўртоғингиз билан жанжал, келишмовчилик чиқишига йўл қўйманг. Худбинлик, зиқналик қилмасдан бир-бирингизни тушунишга, ишонишга ҳаракат қилинг!

**ЁЙ.**

Юлдузлар ҳафта давомида ҳаётингизда айрим ижобий ўзгаришлар бўлиши кутилаётганидан дарак беряпти. Янги танишувлар, ишқий учрашувларга имкон туғилиши мумкин. Ижодий танлов, викториналарда иштирок этиб, ютуқларга эришиш имкониятини қўлдан берманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида соғлиқ ҳақида жиддий қайғуришга тўғри келади. Тажрибали шифокорга учраб даволанишни, аммо ўзбилармонлик қилмасликни маслаҳат берамиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**

Оилавий ишларни амалга ошириш учун ушбу ҳафта қулай бўлиши мумкин. Ота-она, қариндош-уруғлардан ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак олишни режалаштирсангиз бўлади. Хонадон учун буюм сотиб олиш, кўчмас мулк масаласини ҳал этишга ҳаракат қилинг. Тасодифий учрашувлардан эҳтиёт бўлинг. Ҳар қандай эҳтиросли ўйинлар, таваккал ишларда иштирок этмаслик, таклифларни рад қилиш маъқул бўлади.

**ҚОВҒА.**

Мулоқотларда хушмуомала, ширинсухан, самимийликни намоён этиб, суҳбатдошингизни мафтун этишга ҳаракат қилинг. Янги танишувлар, қариндошлар ва қўшнилар билан муносабатни яхшилаш имконияти туғилиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида қариндош-уруғлар билан жанжаллашмай, муросага келиш лозим. Ҳуқуқий, суд, кўчмас мулк муаммолари билан боғлиқ ишларни кейинроққа суришни маслаҳат берамиз.

**БАЛИҚ.**

Сарф-харажатларда тежамкор бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Даромад олишнинг янги манбаи пайдо бўлиш эҳтимоли бор. Аммо ошкор этмай турган маъқул. Дам олиш учун қулай ҳафта бўлиши кутиляпти. Ҳафтанинг иккинчи ярмида майда-чуйда ишлар кўпайиб кетиши мумкин. Вақт етишмай қолмаслиги учун уларни бажариш тартибини қайта кўриб чиқишни маслаҳат берамиз. Саломатлик ҳақида ҳам қайғуришни унутманг.


ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88;
**Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuniari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-9185. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 62424 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**